



## МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗЛАР ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Очилов Фахриддин Исоқбоевич**

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий  
мактаби тингловчиси*

**Аннотация:** Мақолада муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг жавобгарлигига оид назарий-ҳуқуқий масалалар таҳлил қилинган. Муаллиф муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг жавобгарлигига оид турли илмий ёндашувларни, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиб, бу масалага оид миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини илгари суради.

**Калит сўзлар:** муомалага лаёқатсиз шахс, муомала лаёқати чекланган шахс, жавобгарлик, васий, ҳомий.

**Аннотация:** В статье анализируются теоретико-правовые вопросы, касающиеся ответственности недееспособных или ограниченно дееспособных лиц. Автор проводит сравнительный анализ различных научных подходов к ответственности недееспособных или ограниченно дееспособных лиц, а также законодательства зарубежных стран, и выдвигает предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства в данной области.

**Ключевые слова:** недееспособное лицо, лицо с ограниченной дееспособностью, ответственность, опекун, попечитель.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддасида суднинг фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик органининг муомала лаёқати чекланган шахсга ҳомий тайинлаши, муомалага лаёқатсиз шахсга эса, васий тайинлаши учун асос бўлади.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг мол-мулки ёки айбли қилмиши натижасида юзага келган зарар учун жавобгарлик муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг мол-мулкани бошқариш мазкур фуқарога тайинланган васий ёки ҳомий қоплаб берилиши керак. Б.Эргашевнинг фикрича, муомалага лаёқатсиз шахслар руҳий бузилиш (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли ўз ҳаракатларини оқибатини англаб ета олмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги туфайли улар зарар етказганлик учун жавобгар



бўлмайдилар<sup>5</sup>. Е.В.Каймаковнинг фикрича, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро ўз ҳаракатларини рухий жиҳатдан англамагани учун у ўз қилмиши учун ҳомий жавоб беради<sup>6</sup>.

Умуман олганда, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганда иккита юридик факт: тиббий ва ҳуқуқий факт инобатга олинши лозим бўлади. Тиббий факт бу муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз фуқаронинг рухий ҳолати бузилиши саналса, ҳуқуқий факт мазкур фуқаро ўз ҳаракатларининг оқибатини англамаслигида деб билишимиз мумкин. Е.А.Татаринцевнинг фикрича, васий нафақат муомалага лаёқатсиз шахс номидан тузилган битимлар балки шахс муомалага лаёқатсиз бўлгунга қадар тузилган битимлар учун ҳам ҳамда муомалага лаёқатсиз шахс номидан унинг ўзи тузган битимлар ҳам учун жавобгар бўлади<sup>7</sup>. Бироқ Л.Б.Ситдикова ҳамда С.Ю.Стародумоваларнинг фикрича, васий муомалага лаёқатсиз шахс номидан барча юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширади, лекин муомалага лаёқатсиз шахс томонидан илгари тузилган битимлар учун эмас, балки муомалага лаёқатсиз шахс номидан у тузган битимлар учун жавобгар бўлади<sup>8</sup>.

М.В. Карповнинг фикрича, васий Васийлик ёки ҳомийлик органи билан тузилган ҳужжат асосида вуждга келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади<sup>9</sup>. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасида васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган.

Тамара Шепилнинг фикрича, васийларнинг фуқаровий жавобгарлигини икки турига (шартнома ёки ҳуқуқбузарлик) ажратади:

1) агар зарар вояга етмаганлар томонидан етказилган бўлса, уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва васийлар субсидиар жавобгар бўлишади. Суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан етказилган зарар учун ўзи жавобгар бўлади. Кўринишидан, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликда шахснинг рухий ҳолати муҳим аҳамият касб этади, шу боис муомала лаёқати чекланган шахслар ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликда васийлар ҳам субсидар жавобгар бўлиши керак;

2) вояга етмаганлар ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар шартнома бўйича мустақил жавобгар бўладилар; қонун ҳужжатларига (Россия) мувофиқ ота-оналар ва васийларнинг субсидиар жавобгарлиги юзага келмайди.

Мамлақатимизда ҳам фуқаровий жавобгарлик шартнома юзасидан, ҳуқуқбузарлик (фуқаровий, жиноий, маъмурий) содир қилиниши ҳамда бошқа

<sup>5</sup><https://buxoro.sud.uz/uz/muomalaga-layoqatsiz-deb-topilgan-fuqaro-tomonidan-yetkazilgan-zarar-uchun-kim-javob-beradi/>

<sup>6</sup> Каймакова Е.В. Проблемы соотношения гражданско-правовых и семейно-правовых способов защиты семейных прав // Семейное и жилищное право. 2013. № 5. С. 23–26.

<sup>7</sup> Татаринцева Е.А. Договор об осуществлении опеки (попечительства) как основание возникновения правоотношений по воспитанию ребенка в семье // Семейное и жилищное право. 2015. № 3. С. 21–25.

<sup>8</sup> Л.Б. Ситдикова, С.Ю. Стародумова. Имущественная ответственность опекунов и недееспособных лиц. ВЕСТНИК МГПУ ■ СЕРИЯ «Юридические науки» С.67.

<sup>9</sup> Карпов М.В. О некоторых вопросах применения мер ответственности в семейно-правовых отношениях // Семейное и жилищное право. 2013 №. 2. С. 24–29



мажбуриятларни бажармаслик натижасида вужудга келади. Муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар номидан васий ва ҳомийси шартнома тузишлари мумкин. Лекин муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилгунга қадар имзоланган шартномалар (олдиротди, ижара, маҳсулот етказиб бериш, ҳақ эвазига ҳизмат кўрсатиш, коммунал ва алоқа воситалари тўловлари) бўйича мажбуриятлар бекор бўлмайди.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар, агар зарар уларнинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботламаса, унинг васийси ёки уни назорат қилиш мажбуриятини юклаган ташкилот томонидан қоплаб берилиши керак.

Маҳдис Риҳай, Маҳди Исмоилнинг фикрича, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг жиноий жавобгарликдан озод бўлиши уларнинг фуқаровий жавобгарликдан озод қилмайди, чунки фуқаровий жавобгарликнинг асоси зарарни қоплашдир<sup>10</sup>. Мамлакатимизда ҳам жиноий жавобгарликдан озод бўлиш фуқаровий жавобгарликдан озод қилмайди. Жиноят процессуал қонунчилигимизда фуқаровий даъво тушунчаси мавжуд. Жиноят оқибатида етказилган зарар у муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан амалга оширилган бўлса ҳам қоплаб берилиши керак.

Америкалик олим Стевен Денсоннинг фикрича, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг қарздорлиги бўйича васий ва ҳомийлар шахсий жавобгар бўлмайди<sup>11</sup>. Америкалик бошқа ҳуқуқшунослар бу фикрни қўллаб қувватлайди. Хусусан, бошқа америкалик ҳуқуқшунос Кевин Офлаҳтининг фикрича, агар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг тўланмаган қарзлари бўлса, бу қарзлар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг қарзи бўлиб қолади ва васий (ҳомий)га таъсир қилмайди. Бу эса васийнинг шахсий мулки васийлик остидаги шахснинг қарзи туфайли хавф остида эмаслигини англатади. Васийнинг масъулияти васийлик остидаги шахснинг маблағларини эҳтиёткорлик билан бошқаришни талаб қилади. Агар қарздорлик мавжуд бўлса, васий (ҳомий) мазкур қарзларини тўлаш учун васийлик остидаги шахснинг маблағларини ишлатиши мумкин.

Америкалик олимлар васий ва ҳомийлар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан етказилган зарар учун шахсан жавобгар бўлмасликларини АҚШ қонунчилигидан келиб чиқиб фикр билдирадilar. Бизнинг миллий қонунчилигимизга асосан васий ва ҳомийлар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан биргаликда яшайдилар, яъни васий ва ҳомийлар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ўзаро

<sup>10</sup> Mahdis Riahy, Mahdi Esmaeile. CIVIL LIABILITY OF THE MENTALLY DISORDERED PEOPLE. Periódico do Núcleo de Estudos e Pesquisas sobre Gênero e Direito Centro de Ciências Jurídicas - Universidade Federal da Paraíba  
V. 8 - Nº 03 - Ano 2019. ISSN | 2179-7137 | <http://periodicos.ufpb.br/ojs2/index.php/ged/index>

<sup>11</sup> <https://www.geriatricfastfacts.com/fast-facts/guardianship-adults-guardian-roles-responsibilities>



қариндош бўлиш (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингли, эр-хотини, фарзандлари) эҳтимоли жуда катта бўлади.

Васий ва ҳомийлар муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ўзаро қариндош (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингли, эр-хотини, фарзандлари) бўлгани учун уларнинг ўзаро харажатлари бир бўлади. Бундан кўринадики, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан етказилган зарар ота-онаси, ака-укаси, опа-сингли, эр-хотини, фарзандларининг шахсий маблағидан қоплашни рад қиладиган нормалар мавжуд эмас. Муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар вояга етган бўлса ҳамда улар ўзларининг шахсий мол-мулки бўлса, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан етказилган зарар ҳамда уларнинг ўзлари тузган шартномалар бўйича мажбуриятлари мазкур маблағлардан қопланиши мумкин. Бу тўғрисида миллий қонунчилигимизда акс эттиришимиз мақсадга мувофиқдир.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Каймакова Е.В. Проблемы соотношения гражданско-правовых и семейно-правовых способов защиты семейных прав // Семейное и жилищное право. 2013. № 5. С. 23–26.
2. <https://buxoro.sud.uz/uz/muomalaga-layoqatsiz-deb-topilgan-fuqaro-tomonidan-yetkazilgan-zarar-uchun-kim-javob-beradi/>
3. Татаринцева Е.А. Договор об осуществлении опеки (попечительства) как основание возникновения правоотношений по воспитанию ребенка в семье // Семейное и жилищное право. 2015. № 3. С. 21–25.
4. Л.Б. Ситдикова, С.Ю. Стародумова. Имущественная ответственность опекунов и недееспособных лиц. ВЕСТНИК МГПУ ■ СЕРИЯ «Юридические науки» С.67.
5. Карпов М.В. О некоторых вопросах применения мер ответственности в семейно-правовых отношениях // Семейное и жилищное право. 2013 №. 2. С. 24–29.
6. Mahdis Riahy, Mahdi Esmaeile. CIVIL LIABILITY OF THE MENTALLY DISORDERED PEOPLE. Periódico do Núcleo de Estudos e Pesquisas sobre Gênero e Direito Centro de Ciências Jurídicas - Universidade Federal da Paraíba V. 8 - Nº 03 - Ano 2019. ISSN | 2179-7137 | <http://periodicos.ufpb.br/ojs2/index.php/ged/index>
7. <https://www.geriatricfastfacts.com/fast-facts/guardianship-adults-guardian-roles-responsibilities>